2016 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 182 – 183 (13.245–13.246)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Азиз ватандошлар!

Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, эл-юртимизни мустабид тузум кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклайман.

Қадрли дўстлар!

Барчамизга аёнки, мустақиллик ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллат тарихида осонлик билан қўлга киритилган эмас. Бу ҳақиқатни чуқур англайдиган халқимиз шу курашда фидойилик кўрсатган, қурбон бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини қалбида абадий сақлайди.

Айни шу кунларда ўзини оқламаган эски тузумдан янги тизимга ўтиш даврини эслар эканмиз, бошимиздан кечирган машаққатли кунлар ва оғир синовлар беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Айниқса, собиқ тузум асоратлари туфайли республикамизда аҳвол нақадар хатарли тус олганини аввало таъминот масаласи бутунлай издан чиқиб, халқимизни боқиш учун бор-йўғи бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун захираси қолгани, тартиб-интизом бўшашиб, турли қўпорувчи ва ғаламис кучлар бош кўтариб, юртимиз деярли жар ёқасига келиб қолгани мисолида тасаввур қилиш қийин эмас.

Ана шундай ўта таҳликали вазиятда ҳам биз ўз танлаган йўлимиздан – мустақиллик йўлидан қайтмадик. Чунки биз яхши тушунардик – ҳаёт-мамотимиз ҳал бўлаётган айни шундай дамларда қийинчилик ва тўсиқлар олдида бўш келиш – бу ҳозирги ва келажак авлодлар олдида хиёнат қилиш билан баробар бўлур эди.

Айни шу пайтларда халқимиз ўзининг қатъияти ва матонатини амалда намойиш этиб, Ўзбекистонимизнинг ёруғ ва буюк келажагига ишончини йўқотгани йўқ ва иншоолло, ҳеч қачон йўқотмайди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, аҳволимиз қандай оғир ва хавф-хатарли бўлмасин, ҳар қадамда пайдо бўлаётган тўсиқ ва ғовларни, турли муаммоларни ечиш билан банд бўлишдан қатъи назар, мамлакатимизнинг бугунги куни ва истиқболига жавоб берадиган, чуқур ўйланган стратегиямиз устида ишимизни тўхтатганимиз йўқ.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишда – эркин, демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига кўтариш йўлида шошма-шошарлик ва пала-партиш ишларга йўл қўймадик, жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиб, лекин кимдандир кўр-кўрона нусха олганимиз йўқ. Бу борада чуқур маънога эга бўлган "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган ғоя асосида эл-юртимизга хос хусусиятлар, шарт-шароитларга мос бўлган, халқаро майдонда "ўзбек модели" деб тан олинган, узоқни кўзлаган йўлни ўзимизга маъқул топдик ва уни амалга оширишга киришдик.

Биз танлаган йўл – машҳур беш принципга асосланган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканини оғир синовлардан ўтиб, мамлакатимиз ривожи учун мустаҳкам замин бўлиб қолганини ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда. Бунинг тасдиғини мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб энг ўткир ва ҳал қилувчи масала – замон талабига жавоб берадиган янги авлод кадрларини тайёрлаш вазифаси мисолида яққол кузатиш мумкин.

Агарки биз 19 йил олдин эски қолип ва асоратлардан воз кечиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилиб, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартирмасак, бунинг учун давлатимиз ва бутун жамоатчилигимизнинг куч ва имкониятларини сафарбар этмасак, бугунги аҳволимиз қай даражада бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳеч иккиланмасдан айтишга барча асосларимиз бор – ҳозирги кунда лицей ва коллежларни, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган, ҳаётга янгича қарайдиган минг-минглаб ёшларимиз биз учун, келажагимиз учун тоғдек таянч бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг ташаббускори ва ижрочиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ватанимизнинг келажаги ва тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган бундай янги авлодни тарбиялашга қаратилган дастурларни ўз вақтида қабул қилганимиз ва давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз янги жамият қуришимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқишга, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмаган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ республикадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган қудратли давлатга айланиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар ўсди, унинг таркибида саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга етди, жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида камдан-кам давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Айтиш керак, 2016 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилда ҳам ўсиш суръатларимиз бундан паст бўлмайди.

Энг муҳими, ўтган давр мобайнида одамларимизнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани, аҳолимизнинг сони 2016 йилнинг охиригача 32 миллиондан ошиб кетиши, яъни мустақиллик йилларида халқимиз 12 миллионга кўпайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни, эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси аввало мард ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати эвазига амалга оширилмоқда ва мамлакатимиз ўзининг барқарор ривожланиш суръатлари билан халқаро жамоатчиликни ҳайратда қолдирмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Барчамиз яхши тушунамиз – биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр, дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инқироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётгани, хомашё нархининг пасайиб бораётгани – бундай ҳолатлар барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Энг аввало, мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация қилиш, унинг рақобатдошлигини ошириш йўлида бошлаган ислоҳотларимизни давом эттириш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва унда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг улушини кенгайтириш ва унинг устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилувчи ўрин тутиши зарур. Шулар қаторида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, замонавий, юқори технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёзларни янада кенгайтириш вазифалари доимо эътиборимиз марказида туриши даркор.

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб, турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи тобора кескинлашиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва барчамиздан ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Вужудга келаётган мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонимизнинг хавфсизлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, турли бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, юртимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш, "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъватни барчамизнинг бурчимиз ва устувор вазифамиз сифатида амалга оширишимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва пайдо бўлаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни тинч, сиёсий келишувлар йўли билан ечиш тарафдоримиз.

Турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслик, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиздан ташқаридаги ҳудудларда бўлишига йўл қўймасликни ўзимиз учун маъқул, деб биламиз.

Биз мустақиллик йилларида яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат, ўзаро манфаатларни тан олиш асосида олиб бораётган алоқаларимизни, аввало ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келганмиз ва айни шундай сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз.

Азиз ватандошлар!

Шу кунларда бутун халқимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, буюк ғалабага эришган спортчи ёшларимизни қизғин қутламоқда. Дунёдаги 206 та мамлакатдан келган манаман деган спортчилар билан бўлган кескин беллашувларда ўғлонларимизнинг кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, маҳорати ва матонати, она Ватанимизга муҳаббати минг-минглаб ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлди, деб ғурур ва ифтихор билан баралла айтишга барчамиз ҳақлимиз.

Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини бутун жаҳонга намойиш этган моҳир спортчиларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларига, миллий олимпия терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин қалбимдан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга қаратиб айтмоқчиман: бўш келманг, азизларим, давр бизники, марра бизники!

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Сизларни, бутун халқимизни Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равнақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мактубида шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 25 йиллиги билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли ютуқларга эришди. Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори бениҳоя юқоридир.

Дўстлик ва ўзаро ҳурматнинг эзгу анъаналарига таянувчи давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида фаол ривожланиб бормоқда. Ишончим комилки, биз ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни бундан буён ҳам барча йўналишларда мустаҳкамлаб, долзарб халқаро масалаларни ечишда саъй-ҳаракатларимизни самарали равишда мувофиқлаштириб бораверамиз. Бу Россия ва Ўзбекистон халқларининг туб манфаатларига жавоб беради, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси – **Елизавета II**

Япония Императори – **Акихито**

Бельгияликлар Қироли – **Филипп**

Франция Республикаси Президенти – **Франсуа Олланд**

Ҳиндистон Республикаси Президенти – **Пранаб Мукержи**

Қозоғистон Республикаси Президенти – **Нурсултон Назарбоев**

Молдова Республикаси Президенти – **Николае Тимофти**

Туркия Республикаси Президенти – **Режеп Таййип Эрдўғон**

Туркия Республикаси Бош вазири – **Бинали Йилдирим**

Чехия Республикаси Президенти – **Милош Земан**

Словакия Республикаси Президенти – **Андрей Киска**

Болгария Республикаси Президенти – **Росен Плевнелиев**

Малайзия Қироли – **Абдул Халим Муадзам Шоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV**

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси – **Маҳмуд Аббос**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти – **Абдул Ҳамид**

Исроил Давлати Президенти – **Реувен Ривлин**

Сингапур Республикаси Президенти – **Тони Тан Кенг Ям**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, Ички ишлар вазири – **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Бельгия парламенти Вакиллар палатаси раиси – **Зигфрид Браке**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби – **Рашид Алимов**

ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори – **Евгений Сисоев**

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти – **Сирил Мюллер**

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти – **Ким Ин Сук**

Корея Экспорт-импорт банки раиси ва президенти – **Ли Дук Хун**

"Самсунг Инжиниринг" президенти ва бош ижрочи директори – **Пак Чунг Хим**

"ЛУКОЙЛ" компанияси президенти – **Вагит Алекперов**

Хитой миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгашининг раиси – **Ван Илинь**

"Поли Текноложиз" компанияси президенти – **Ван Линь**

"ZTE" корпорацияси президенти – **Чжао Сяньмин**

"Сумитомо Корпорейшн" Бошқаруви раиси – **Казуо Омори**

"Марубени Корпорейшн" Бошқаруви раиси – **Теруо Асада**

"Мицубиси Хитачи Пауэр Системс" Бошқаруви раиси – **Кожи Танака**

"Мицубиси Хэви Индастриз Лтд." президенти ва катта ижрочи директори – **Шунъичи Миянага**

"Фужицу Лимитед" президенти – **Тацуя Танака**

"Исузу Моторс Лимитед" Бошқаруви раиси ва ваколатли директори – **Сусуми Хосои**

"ИТОЧУ Корпорейшн" президенти – **Масахиро Окафудзи**

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори – **Абдулваҳоб ал-Бадир**

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили – **Петер Буриан**

Европа Парламенти депутати, Европа Парламентининг Марказий Осиё бўйича делегацияси раиси – **Ивета Григуле**

Инҳа университети президенти – доктор **Чой Сунжа**

Нагоя университети президенти – **Сеичи Мацуо**

Европа менежмент ва технологиялар мактаби президенти – **Йорг Роholл**

Москва ва Бутун Россия Патриархи – **Кирилл**

Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари – **Викентий**

Қутловлар келиши давом этмоқда.



МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚЎЙИЛДИ

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини катта кўтаринкилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишламоқда. Жорий йилда энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан 31 август куни ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар номидан ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйилди.

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар доимо ёнма-ёндир. Халқимизнинг тарихий ютуғи – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу ҳақиқат яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку таровати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар оҳиста тебранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теран ҳис этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси акс этган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустаҳкам ишончимиз ифодаланган, фарзандини бағрига босиб, унга термулиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, беғубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

– Ҳар гал Мустақиллик майдонига келганимизда қалбимизда ўзгача туйғулар жўш уради, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Акмал Жумабоев. – Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор туфайли қўлга киритаётган ютуқ ва марраларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугун юртимиздаги ҳар бир ёш қалбида Ватан келажаги учун масъуллик, Ватан равнақига муносиб улуш қўшишдек эзгу ният мужассам.

Ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маънавият ва салоҳиятга эга халқ янги-янги марраларни қўлга киритишга қодир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитларда ҳаёт кечиришга ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган улуғ мақсадларга эришаётганимиз, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизнинг амалдаги ифодасидир.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, беқиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун юртимиз тарихида мангу буюк сана бўлиб қолади.

1 сентябрь куни пойтахтимизнинг барча туманларида байрам тантаналари ўтказилади. Мамлакатимиз вилоятларида байрам тадбирлари, сайиллар давом этади.

(ЎзА)

2,4 МИЛЛИОН ТОННА МАҲСУЛОТ – ЭКСПОРТГА

Миллий матбуот марказида "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси томонидан мустақиллик йилларида аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва уни такомиллаштириш борасида эришилган ютуқларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди, дея хабар беради ЎзА.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси раиси ўринбосари А.Қамбаров ва бошқалар истиқлол йилларида озиқ-овқат саноати ривожланган, аҳоли жон бошига нисбатан асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари – ғалла, гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавотларнинг миқдори ва қайта ишлаш ҳажмлари кескин ошгани, бунинг самарасида озиқ-овқат мустақиллиги ва хавфсизлигига эришилганини таъкидлади.

Бугунги кунда яратилган қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити озиқ-овқат саноати ривожида муҳим омил бўлмоқда. Иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш объектларини қуриш, уларни энг илғор ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилмоқда.

Соҳа корхоналари Германия, Польша, Жанубий Корея, Хитой каби 20 дан ортиқ хорижий мамлакатнинг замонавий технологик ускуналари билан жиҳозланган. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган маҳсулотлар дунёнинг 80 дан ортиқ давлатига сотилмоқда. Охирги ўн йилда мева шарбатлари экспорти 2, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ўртача 1,5 баробар кўпайган.

2016 йилнинг ўтган даврида соҳага тегишли кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада дала ва боғ неъматлари етиштиришдан тортиб, уни сифатли сақлаш, қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш бўйича ўзига хос тизим яратилди. Жорий йилнинг ҳосилидан бошлаб мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси жорий қилинди.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси таркибидаги корхоналар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида таққослама нархларда 2 триллион 177,4 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 3,1 миллиард сўмлик янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Сўнгги йилларда ишга туширилган "Ангрен шакар", "Меҳнат малт", "Фамили груп", "Сиёб шавкат орзу" каби корхоналарнинг ўрни беқиёсдир.

Анжуманда ҳозир мингдан ортиқ инвестициявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётгани, жорий йилда ҳудудий манзилли инвестиция дастурларига асосан 43 лойиҳа бўйича 53 миллион доллар жалб қилингани қайд этилди. 2020 йилга қадар 596 миллион долларлик 180 йирик лойиҳа амалга оширилади. Бунда асосий эътибор мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган лойиҳаларга қаратилган.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси тизимидаги янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга ихтисослаштирилган "Ўзагроэкспорт" ташқи савдо компанияси ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Жорий йилнинг 12-16 июль кунлари ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида АҚШ, Хитой, Англия, Россия, Германия, БАА, Япония, Ҳиндистон каби кўплаб давлатларнинг компаниялари ва савдо ташкилотлари билан умумий қиймати 2 миллиард долларлик шартнома имзоланди. Экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотларининг умумий ҳажми 2,4 миллион тоннани ташкил этди.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сайёра ШОЕВА

"Тошкент" халқаро аэропортида "Boeing-787 Dreamliner" самолёти тақдимоти бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табригида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси 2016 йилда "Boeing-787" ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита янги самолёт билан таъминланишини айтгани эсимизда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида уларнинг дастлабкиси мамлакатимизга келди.

Шу муносабат билан "Тошкент" халқаро аэропортида тантанали маросим бўлиб ўтди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тян, Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен ва бошқалар Ўзбекистонда замонавий моддий-техник база ҳамда юқори малакали мутахассисларга эга фуқаро авиацияси ташкил топгани, ҳаво кемалари парки мунтазам янгиланиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти – ИКАОга аъзо бўлди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси халқаро авиаташувлар бозорида муносиб ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз аэропортларида халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Халқаро фуқаро авиациясининг "Аэропорт" ассоциацияси томонидан "Урганч" халқаро аэропорти 2015 йилнинг энг яхши аэропорти, деб топилди, "Туризм соҳасига қўшган улкан ҳиссаси" номинациясида ғолибликни қўлга киритди. 2014 йилнинг июнь ойида учта аэропорт 2013 йилги фаолияти якунлари бўйича "МДҲ мамлакатларидаги энг яхши аэропорт" танловининг турли номинацияларида ғолиб бўлди. Мисол учун, йилига юз мингдан ярим миллионгача йўловчи ташилаётган "Бухоро" аэропорти "Барқарор ривожланаётган аэропорт" мақомига сазовор бўлди. "Самарқанд" ва "Урганч" халқаро аэропортлари "Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси" номинациясида ғолиб чиқди.

Замонавий авиация техникаси мамлакатимиз ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлиги, барқарорлиги ва мунтазамлигини таъминламоқда. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бу борада 1996 йилдан буён АҚШнинг дунёга машҳур "Boeing" корпорацияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу кунгача миллий авиакомпаниямиз йигирмага яқин "Boeing" самолётини харид қилган. Ўрта магистралли Airbus A320 лайнерлари, йўловчи ва юк ташиш учун мўлжалланган Boeing-767 самолётларидан самарали фойдаланилмоқда. "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасида нафақат Ўзбекистон, балки бошқа кўплаб давлатлар авиакомпанияларининг шу русумдаги самолётларига техник хизмат кўрсатилмоқда.

Учувчи-техник таркиб, техник хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш борасида ҳам ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзбекистонлик учувчи ва техник ходимлар "Boeing" ўқув марказларида малака оширмоқда.

"Boeing-787 Dreamliner" бугун дунёдаги энг замонавий самолётдир. Унинг номи инглизчадан таржима қилинганда "Орзу лайнери" деган маънони англатиши ҳам бежиз эмас.

Ушбу ҳаво кемасининг аксарият қисми ноёб композицион материалдан ишланган. Бу унинг вазнини енгиллаштириш, парвоз хусусиятларини яхшилаш имконини берган. Самолёт ишончлилик, хавфсизлик ва тежамкорлик нуқтаи назаридан ҳам кўплаб афзалликларга эга. Шу боис у узоқ ва ўта узоқ масофаларга тўхтовсиз уча олади. "Dreamliner" Ўзбекистондан АҚШ, Канада, Австралия ва Африка мамлакатларига тўғридан-тўғри парвоз қилиши мумкин.

Илғор инновацион технологиялар асосида яратилгани ундаги қулайликларни янада оширган. Boeing-767 самолётига нисбатан унинг ёқилғи сарфи 10 фоизга кам, салони диаметри эса 1 метр кенг. Лайнер учиш тезлигининг юқорилиги Тошкентдан Москвага 10 дақиқа, Лондон ва Парижга эса 20-30 дақиқага тезроқ етиб бориш имконини беради. Самолёт салони дизайнига ҳам янгича ёндашилган, махсус конструкциядаги ўриндиқлар билан жиҳозланган. 246 нафар йўловчига мўлжалланган мазкур авиалайнер парвозларни мароқли ўтказиш имконини берувчи қулай ўриндиқ ва коммуникация технологиялари, махсус пол қопламалар, янгича ёритиш ва шовқин ўтказмайдиган тизимлар билан жиҳозланган. Унинг ташқи шовқин товуши аввалги моделларга нисбатан икки баробар пасайтирилган.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси МДҲ давлатлари орасида иккита "Boeing-787 Dreamliner" самолётини сотиб олиш бўйича шартнома тузган биринчи авиакомпаниядир.

Янги самолётлардан фойдаланиш учун ер усти инфратузилмаси, муҳандис-техникавий ва учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясида юқори малакали 18 учувчи ва 2 учувчи-инструктордан иборат янги гуруҳ шакллантирилди. "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасида 64, жумладан, техник хизмат кўрсатувчи 6 инструктор тайёрланди.

– Ўзбекистонлик учувчилар билан биргаликда "Boeing-787 Dreamliner" самолётида Тошкентга учиб келдик, – дейди АҚШнинг "Boeing" компанияси учувчи-инструктори Йэн Салливэн. – Ҳаво транспортида ишлаш – бу жуда катта масъулият, чуқур билим, қобилиятни талаб этади. Ўзбекистон ҳаво транспорти мутахассисларининг профессионаллигини алоҳида таъкидлашни истардим. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистонга равнақ, халқингизга бахт-саодат, фаровонлик ва улкан зафарлар тилайман.

"Boeing-787 Dreamliner" самолётини Ўзбекистонга миллий авиакомпаниямиз экипажи – учувчи-инструктор Иосиф Зак, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси янги "Boeing-787 Dreamliner" учувчилар отряди командири Асаджон Турсунов ҳамда авиакомпаниянинг бош штурмани Станислав Гурфинкель бошқариб келди.

– Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги самарасида миллий авиакомпаниямиз улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда, – дейди Асаджон Турсунов. – "Boeing-787 Dreamliner" самолётида Сиэтл шаҳридан Тошкентгача бўлган парвоз қарийб 12 соат давом этди. Мазкур янги авиалайнер двигателининг тежамкорлиги, бошқаришнинг янада қулайлиги ва салонда йўловчиларга барча шароит яратилгани билан ажралиб туради. Йўловчилар узоқ мамлакатларга парвоз пайтида бир самолётдан иккинчисига ўтмай манзилга етиб олишни истайди. Мазкур самолёт уларнинг бу истагини бажара олади. "Орзу лайнери"ни бошқариш имкони насиб этганидан жуда бахтиёрман. Биз, учувчилар учун яратилган қулай шарт-шароит ва катта имкониятлар учун давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдирамиз.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Boeing-787 Dreamliner" самолётлари билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири

ТОШКЕНТГА "ОРЗУ ЛАЙНЕРИ" КЕЛИБ ҚЎНДИ



ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган танловлар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳасига мувофиқ Наманган шаҳридаги "Истиқлол дизайн маркази" масъулияти чекланган жамияти қошида либослар дизайни конструкторлик маркази очилди.

● Чиноз туманида ташкил этилган "Таълим-тарбия самарадорлигини таъминлашда синф раҳбарининг ўрни ва роли" мавзусида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун ўқув-семинарда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, маҳалла фаоллари, мактаб директорлари ва ўқитувчилар иштирок этди.

● Нукусда "Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган танловнинг қуйи босқичларида муваффақият қозонган 21 бошланғич ташкилоти 7 йўналиш бўйича баҳслашди.

● Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган фото асарлар ва ашёлар кўргазмаси очилди. Мазкур экспозициядан Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий, бадиий музей-қўриқхонаси фондида сақланаётган ва жорий йилда тўпланган 500 дан ортиқ фотосурат, ашёлар жой олган.

ЖАҲОНДА

● "IBM" компанияси Хитойда "Watson" суперкомпьютерлари учун плацдарм яратгани ҳақида маълум қилди. Муҳими шундаки, мазкур қурилмалардан саратонга ташхис қўйиш ва даволаш мақсадида фойдаланилади. Бунда "IBM" ва "Hangzhou CognitiveCare" компаниялари 21 та касалхона билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Эндиликда тизим орқали ташхис қўйиш тезлашади ва даволаш борасида ҳам имкониятлар кенгаяди.

● Японияга "Лайопрок" тўфонининг хуруж қилиши натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмди. Россиянинг Приморье ўлкасига ҳам катта зарар етказган ушбу табиий офат ҳозирда Хитой томонга ҳаракатланмоқда.

● Италиянинг қирғоқни кўриқлаш хизмати томонидан бир нечта ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган қирқта рейд чоғида Ўрта ер денгизида африкалик муҳожирларнинг 6,5 минг нафари қутқариб олинди.

● АҚШнинг "Apple" компанияси томонидан ақлли соатларнинг янги авлоди ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. "Apple Watch — 2" русумли янги соатлар кучли процессор, каттароқ ҳажмдаги батареяга эга бўлади. Бундан ташқари, унга бараметр ва чанг ҳамда намликдан асровчи ҳимоя воситаси ҳам ўрнатилади. Янги соатлар жорий йилнинг охирига бориб, савдо пештахталарига чиқарилади.

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ

Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан "Истиқлолнинг янги авлоди: Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.



Президентимизнинг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Мустақилликнинг ўтган 25 йили халқимиз танлаган тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ҳаётий эканини кўрсатди. Ўз вақтида узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган умуммиллий дастурларимиз туфайли таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, миллий қадриятларимиз бардавомлигини сақлаш бўйича самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель шаклланди. Энг муҳими, уларнинг ҳар бири мамлакатимизда янги демократик жамият қуриш концепциясининг узвий таркибий қисми сифатида буюк келажагимизни барпо этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барча ҳудудларда бўлгани каби пойтахтимизда ҳам "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" ғоясининг моҳиятини тўлиқ очиб берувчи таъсирчан усул ва воситалардан кенг фойдаланиш, жойларда ўтказилаётган очиқ мулоқотлар ва учрашувлар, давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар салмоғини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир иштирокчилари Темурийлар тарихи давлат музейи экспонатлари билан танишди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

– Ободлик ҳар бир кишининг кўнглидан, аввало, ўзи яшаб турган хонадонни, маҳалласини обод қилишдан бошланади, – дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманида яшовчи 80 ёшли Эркин Икромов. – Одамлар аҳил-иноқ бўлган жойда орасталик, файз-барака зиёда бўлади.

ТАДБИРКОРЛИК — ОБОДЛИК ОМИЛИ

Истиқлол йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналар қайта тикланди. Энг муҳими, "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди.

— Бир неча йиллик меҳнатим натижасида шундай хулосага келдимки, фуқароларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни тобора теранроқ англаб, юксалиш жараёнларининг фаол иштирокчисига айланмоқда, – дейди Учтепа туманидаги "Кўкча Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитхўжа Имомов. – Маҳаллада кечаётган жараёнлар мисолида таҳлил қилсак, одамларнинг бу ижтимоий тузилмага нисбатан фикри тубдан ўзгарди. Неки дарду ташвиши бўлса, аввало маҳаллага мурожаат қилаётганининг ўзи юқоридаги фикримизнинг тасдиғидир. Қувонарлиси, маҳалланинг гуллаб-яшнаши, ободлигидан ҳамма бирдек манфаатдор. Шунинг учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қиляпмиз.

Ҳа, дарҳақиқат, бир вақтлар маҳалла деганда справка берадиган идора тушунилар, у ерда раис соатлаб кутиларди. Кечаги ва бугунги маҳалла ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Кўркам биноларда жойлашган маҳалла идораларига кирсангиз кўнглингиз яйрайди. Бу масканга ким, қандай юмуш билан келишидан қатъи назар, албатта, иши битади. Комиссиялар ёрдамида эса ҳар қандай масалага осон ечим топилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, тизим қошида ташкил этилган ўндан ортиқ комиссиянинг ҳар бири ўз ваколатидан келиб чиқиб, зиммасидаги вазифани тўла-тўкис бажармоқда. Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда фаоллик кўрсатаётган бўлса, яраштириш комиссиясининг саъй-ҳаракатлари билан оилаларда барқарор муҳит яратишга эришилмоқда.

– Инсон орзу-умид билан яшайди, доимо бахтга интилади. Энг тўкис ва гўзал бахт эса оилада вужудга келади. Шунинг учун азалдан оила муқаддас саналган. Оилаларнинг бахту саодати учун ҳисса қўша олсак, зиммамиздаги вазифани адо этган бўламиз, – дейди маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мунира Ўтабова. – Ҳар бир оиланинг ўзига яраша муаммоси бўлади. Уларни бартараф этишга кўмаклашамиз. Ўрни келганда, моддий, маънавий ёрдамни аямаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунида маҳалланинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришга оид ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида тадбиркорлик фаолиятини, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш маслаҳат марказлари ҳам фаолият юритмоқда. "Кўкча-Оқтепа" маҳалласида ана шу комиссия кўмагида Европа Иттифоқининг Институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасида "Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар" номли лойиҳаси амалга оширилди. Маҳаллада яшовчи 260 нафар ишсиз хотин-қизлар ҳамда ёшлар тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этилади. Улар орасидан қарийб 30 нафарига бизнес-лойиҳалар ишлаб чиқишда, кам фоизли микрокредитлар олишда ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашида амалий ёрдам кўрсатилади.

— "Микрокредитбанк"дан олинган уч фоизли сармоялар маҳалламизда тикув цехлари, сартарошхоналар очилиб, сервис хизматлари яхшиланишига хизмат қилаётир, — дейди комиссия котибаси Гавҳар Расулова. — Аёллар оила иқтисодиётини юксалтиришда даромад манбаларини ўзлари яратишида нималарга эътибор беришлари кераклигини мукаммал билиб олдик. Маълумки, бизнес фаолиятини ташкил этишда аввало бизнес лойиҳа, кейин режа тузиш керак. Кейин маблағ масаласини ҳал қилиш керак. Яъни, иш бошлашга етарли сармоя борми? Йўқ бўлса, банкдан кредит олиш учун аввало маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилинади. Биз ёш тадбиркорларга керакли маслаҳатларни берамиз. Маҳалламизда кўплаб аёлларнинг қўлида гулдай ҳунари бор, аммо уларнинг фарзандлари ҳам бор. Биз уларга фарзанд тарбиясидан ажралмай туриб тадбиркорлик фаолиятини юритишида ҳар томонлама кўмакдош бўлаяпмиз.

— Истиқлол мендек уй бекасининг тадбиркор сифатида фаолият юритишимга жуда катта имконият яратди, — дейди хусусий тадбиркор Мухлиса Орипова. — Дастлаб, уйда кийимлар тикардим. Қўни-қўшнилар, таниш-билишларнинг буюртмаларини ҳам қизиқиш, ҳам иштиёқ билан бажарардим. Бу кейинчалик катта бир истакка, аниқ мақсадга айланди. Тадбиркорликка оид турли лойиҳаларда, грант-танловларда иштирок эта бошладим. Ўтган йили маҳалла кўмагида битта хона ажратиб беришди. Банкдан олинган уч фоизли сармоя эвазига учта тикув машинаси ва матолар харид қилдик. Буюртмачиларимиз талабини қондираяпмиз. Истиқболда иш кўламини кенгайтириб, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар бандлигини таъминлашни ният қилиб турибмиз.

Маҳаллаларда ташкил этилаётган замонавий корхоналар сони ортиши, иш ўринларининг кўпайиши юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Зиёда ВОҲИДОВА

МИЛЛИЙ ИЛДИЗЛАРДАН КУЧ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛГАН САНЪАТНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал НУРИДДИНОВ ЎзА мухбири билан суҳбатда истиқлол йилларида миллий санъатимизда юз берган ўзгаришлар, Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашда ижодкорлар олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

– Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслаш ўринлидир. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш бўлади, – дейди А.Нуриддинов. – Мазкур мезон истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз мисолида яққол исботини топмоқда.

Халқимиз азалдан ўзининг бунёдкорлик салоҳияти, ижодкорлиги билан инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш маънавий юксалиш жараёни билан уйғунликда олиб борилди. Бунинг самарасида одамларнинг турмуш даражаси билан бирга онгу тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгарди, маданияти, бадиий диди юксалди. Бу санъат ва маданият қайта жонланишига, ривожланишига туртки бўлди.

– Халқимизнинг санъатга меҳри, Ватанга муҳаббати, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда, рассомлар учун ижодий муҳит яратишда Бадиий академиянинг роли ва ўрни ҳақида тўхталсангиз.

– Президентимизнинг 1997 йил 23 январдаги фармонига биноан Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил этилиши миллий санъатимиз равнақида муҳим омил бўлди. Биласиз, бундай бадиий-ижодий даргоҳ дунёда саноқли. Айрим мамлакатларда рассомлар ижодий уюшмалари алоҳида бинога эга эмас. Тасвирий санъат ривожига давлатимизнинг бундай эътибори хорижлик ҳамкасбларимизнинг ҳавасини тортади.

Шинам бино, замонавий моддий-техник базага эга Бадиий академия азалий анъаналаримизни асраб-авайлаш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, мамлакатимизнинг турли соҳалардаги тараққиётини ёрқин ҳамда таъсирчан тарзда акс эттириш, янги асарлар яратиш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Санъат ихлосмандларининг юртимиз ва хориждаги бадиий жараёнлар, янгиликлардан хабардор бўлиши, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, ёшларнинг моҳир мусаввирлар сабоқларидан баҳраманд бўлишида муҳим ўрин тутаётир.

Муассасамиз тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш, соҳа вакиллари фаолиятини янада кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Замонавий бадиий таълим тизимини яратиш, илмий-тадқиқот ишлари, ижодий кўргазмалар фаолиятини замонавий асосда йўлга қўйишда ҳам унинг роли катта бўлмоқда.

Бадиий академия ўзбек тасвирий санъатида ўзига хос мактаб яратган Чингиз Аҳмаров, Ўрол Тансиқбоев, Раҳим Аҳмедов, Неъмат Кўзибоев, Маннон Саидов, Бахтиёр Бобоев, Рўзи Чориев сингари рассомларнинг анъаналарини ёш ижодкорларга етказиш, маънавий мероси моҳиятини тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда кўплаб рангтасвирчилар, графиклар, ҳайкалтарошлар, усталар, санъатшунослар Бадиий академия академиги мақомига эга.

– Мустақиллик берган эркинлик туфайли амалий ва бадиий санъатда қандай ўзгаришлар рўй берди?

– Аввало шуни таъкидлаш керакки, ориентизда нафис санъат қадимдан кенг ривожланган. Афросиёб, Далварзинтепа, Холчаён ва бошқа жойларда олиб борилган археологик қазилмалар, у ерлардан топилган ноёб санъат асарлари, тарихий, бадиий адабиётлардан бизгача етиб келган миниатюралар бунга исбот бўла олади. Тасвирий санъат намояндалари, жумладан, ўрта асрлар мусаввири Камолиддин Беҳзод номи, унинг нафис асарлари Шарқу Ғарбда машҳур. Аммо шўро даврида халқимизнинг бундай маданий бойликларига, аждодларимизнинг бебаҳо меросига беписандлик билан қаралди. Яратилган санъат асарлари мафкуравий тазйиққа олинди.

Шукрки, истиқлол туфайли рассомларимизга эркин ижод этишдек улкан бахт насиб этди. Илгари ўз коллекциясини чаккасига пахта чаноғини қистирганларнинг сохта табассуми акс этган сурат билан бойитишга мажбур бўлган мусаввир бугун қалб амрига қулоқ солиб ижод қилишга, ўзига хос йўлни топишга интилмоқда.

Мўйқалам соҳиблари маънавий илдизларимизга суяниб, ундан куч, илҳом олиб ижод қилмоқда. Собиқ тузум даврида асарларда ҳар ўзбек оиласи учун қадрли буюм – оддий бешик тасвирини акс эттириш миллатчилик, "эскилик сарқити"ни тарғиб этиш сифатида баҳоланиб, таъқибга олинган. Бугун миллийлигимиз, азалий қадриятларимиз, ўзбекона қиёфамиз, тафаккуримиз жо бўлган асарлар жаҳоннинг нуфузли кўргазмаларида юксак эътибор қозонмоқда. Бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, гўзал табиатимиз манзаралари, инсоннинг руҳий олами, ўзликни англашга интилиши турли жанр ва услубларда, турфа бўёқларда ифодаланмоқда.

Тарихий, илмий, адабий манбаларга таянган ҳолда улуғ аждодларимиз сиймоларига мурожаат кўпайди. Хусусан, ҳайкалтарошликда буюк боболаримизнинг ёрқин образлари яратилди. Бир вақтлар юртимиздаги маданият ва таълим даргоҳларида халқимизга мутлақо дахли бўлмаган кимсаларнинг ҳайкаллари турарди. Бугун бу жойларда Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримиз ҳайкаллари ўрнатилган. Мустақиллик ва эзгулик монументи, Мотамсаро она ҳайкали, "Тинчлик" стелласи, Алпомиш ёдгорлиги, "Эл-юрт таянчи", "Кўҳна ва боқий Бухоро", "Ватанга қасамёд" каби асарларда руҳимизга яқин, замонлар оша қалб тўрида ардоқлаган орзуларимиз ифодаланган. Улар ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, аждодларга эҳтиром, миллий қадриятларга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашга, халқимизнинг миллий ғурурини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик туфайли халқимиз ўз қадр-қимматини тиклади, дунёда муносиб обрў-эътиборга эга бўлди. Мисрда Аҳмад Фарғоний, Бельгияда Ибн Сино, Латвияда Мирзо Улуғбек, Россия, Япония ва Озарбайжондаги Алишер Навоий ҳайкаллари буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига жаҳон халқларининг ҳурмат-эҳтироми намунасидир.

Улуғ боболаримиз сиймолари яратилишида Малик Набиев, Муҳаммаджон Нуриддинов, Жалолиддин Миртожиев, Саъдулла Абдуллаев, Зайниддин Фахриддинов, Алишер Мирзаев, Жавлон Умарбеков, Собир Раҳметов, Темур Саъдуллаев, Баҳодир Йўлдошев, Тўра Курёзов, Рустам Худойберганов, Алишер Алиқулов, Ниёзали Холматов каби ижодкорларнинг ҳиссаси катта.

Қишлоқларимизнинг кун сайин чирой очишида, шаҳарларимизнинг кўркамлик, улуғворлик касб этишида архитектор-дизайнерлар, рассомларнинг хизмати катта бўлмоқда. Илгари дизайн масалаларига кўп ҳам эътибор берилавермас, очиғини айтганда, бу санъат тури йўқ ҳисоби эди. Ҳозирги кунда шаҳару қишлоқларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида биноларнинг ўзаро уйғунлик ҳосил қилишига, миллий ва замонавий меъморлик анъаналарига хос безатилишига, ландшафт дизайнига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган "Маърифат маркази", Ҳазрати Имом мажмуаси, Тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси саройи, вилоятлар марказидаги турли иншоотлар бадиий ва амалий санъат жозибасини намоён қилиб турибди.

– Халқаро ҳамкорликлар қандай самаралар бермоқда?

– Истиқлол йилларида мамлакатимиз маданий ҳаётида биеннале, фотобиеннале сингари янги тушунчалар пайдо бўлди. Ҳар икки йилда ўтказилаётган Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси мустақиллик даври ўзбек тасвирий санъати эришаётган ютуқларни жаҳон санъатшунослари, мусаввирлари ва мухлисларга ҳавола этиш, уларни юртимизда кечаётган ижодий жараён билан таништириш, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига хизмат қилмоқда. Тошкент халқаро фотобиенналеси юртимизда фотография санъати жадал ривожланиб бораётганини, фаровон ҳаётимиз, тараққиётимиз одимлари, умрбоқий қадриятларимизни бор жозибаси билан намойиш этмоқда. "Тошкент қувончлари" халқаро болалар расмлари биенналеси дунё аҳлининг Ўзбекистон болалари ҳақидаги тасаввурини суратлар орқали бойитмоқда. Бундай халқаро тадбирлар туфайли хорижлик ҳамкасбларимиз, санъат ихлосмандлари Ўзбекистонда санъат, маданият, маънавият, ёшлар таълим-тарбияси давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканини кўриб, ҳавас қилмоқда.

Сўнгги йилларда Тасвирий ва амалий санъат ҳафталиги халқаро фестиваль даражасига кўтарилди. Бу йил ушбу тадбирда Словакия, Япония, Ҳиндистон, Озарбайжон, Ироқ, Вьетнам каби ўндан ортиқ давлатлардан мусаввирлар иштирок этди. Ушбу фестиваль ёш мўйқалам соҳиблари орзуларини рўёбга чиқаришга ҳам ҳисса қўшаётир. Унда муваффақиятли қатнашган ёшлар хорижий давлатларда ташкил этилаётган турли халқаро кўргазмалар, кўрик-танловлар, биенналеларда иштирок этмоқда.

– Соҳада етук мутахассислар тайёрлаш, ёш иқтидорларни кашф этиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Бугунги кунда Бадиий академия тасарруфида битта олий ўқув юрти, 12 та ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати, учта амалий санъат коллежи фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида санъатшунослик, амалий санъат, тасвирий санъат, дизайн, дастгоҳ ва китоб графикаси, консервация ва бадиий ёдгорликларни сақлаш, санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, графика, ҳайкалтарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича таълим берилмоқда. Мазкур олий таълим даргоҳида жаҳоннинг кўплаб университетлари, ижодий марказлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, Жанубий Кореянинг бир қатор университетлари билан маърифий-ижодий ҳамкорликда талабаларнинг ўзаро фикр алмашиши, ижодий мулоқот ўрнатиши, турли кўргазмалар, илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши имконияти яратилган.

Тошкент, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Сирдарё вилоятларидаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатларида реконструкция ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундай юмушлар Нукус, Навоий, Термиз, Бухоро, Шаҳрисабздаги таълим муассасаларимизда давом этмоқда.

Ёш рассомларнинг санъатшунослар, машҳур мусаввирлар билан доимий учрашувлари ташкил этилмоқда. Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида тасвирий санъатга қизиқувчи ёшларнинг ижодий кўргазмаси мунтазам ўтказилмоқда. Кеча ўз асарларини, хориж у ёқда турсин, Ўзбекистонда намойиш этиш орзуси билан яшаган ўзбек рассомлари бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида шахсий кўргазмаларини ташкил қилаётир, халқаро танловларда муваффақиятли қатнашиб, нуфузли совринларни қўлга киритмоқда. Масалан, ўтган йили хорижий давлатларда ўтказилган "Болалар нигоҳи", "ART Samgau – 2015" фестивалларида ёш мусаввирларимиз ижодий ишлари билан барчани лол этди. Ўндан зиёд ёш дизайнер, рассом ва ҳайкалтарошлар ижодий сафар, малака ошириш ҳамда таҳсил олиш мақсадида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Латвия, Корея Республикаси, Хитой, Япония, Сингапур, Бангладеш, Миср сингари давлатларга юборилди.

– Глобаллашув жараёни шиддатли тус олаётган бугунги даврда ижодкорларимиз олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат?

– Бир қараганда, ижодкор – ёлғиз одам, санъат эса умумбашарий ҳодиса. Аммо, барибир, ижодкор ўзининг муайян миллатга мансублигини ҳеч қачон унутмайди. Ўзини англаган, ҳурмат қилган ижодкор жамиятдан айри яшамайди, эл-юрт ташвишини ўз муаммоси, деб билади.

Биз илдизи неча минг йилларга туташ муқаддас замин ва улуғ аждодларимизнинг ўлмас мероси билан озиқланган, ўз ҳаёт фалсафаси, яшаш тамойилларига эга халқмиз. Мустақиллик қандай оғир курашлар эвазига қўлга киритилди. Қандай қалтис ва мураккаб жараёнларни бошдан кечирдик. Бугунги асосий вазифамиз уларни санъат асарларида ифодалаш, шу орқали миллий ғурурни юксалтириш, онгу тафаккуримизни ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Бу жараёнда халқимиз маданияти, маънавияти чексиз илҳом манбаидир. Асарларимизда халқимизнинг руҳига жо бўлган рамз ва мотивлардан, миллий анъаналар ифодаларидан самарали фойдаланишимиз лозим. Халқимиз турмуши, маданияти, тарихи, халқ қўшиқлари, миллий либослар ва безаклар ҳар қандай ижодкорнинг асари учун беқиёс сюжет ва мавзу бўла олади.

– Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Бадиий академия томонидан қандай лойиҳалар амалга оширилди?

– Рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, маҳобатли ва амалий санъат, бадиий фото каби кўплаб йўналишларда ижод қилаётган бир ярим мингдан ортиқ ижодкорларимиз байрамга катта ҳозирлик кўрди.

Президентимизнинг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган ғояни ўзида мужассам этган турли кўргазмалар, учрашувлар, мулоқотлар ўтказилди. Рассомларимиз ўша тадбирларда халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, маънавий-руҳий дунёси, ҳаётга кириб келаётган ва ҳал қилувчи кучга айланаётган ёшларимизнинг орзу-интилишлари ўз бадиий ифодасини топган янги асарлар яратмоқда.

"Ранглар жилосида – она диёр мадҳи!" шиори остида тасвирий санъат кунлари ташкил қилинаётир. Ушбу тадбирлар доирасидаги мулоқотларда истиқлол йилларида ижод аҳлига, ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибору ғамхўрлик ҳақида атрофлича сўз юритилмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
суҳбатлашди

Реклама ўрнида

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

MUSTAQILLIGIMIZGA 25 yil

ҳамшаҳарларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан самимий табриклайди.



Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, Ватанимиз Истиқлолини мустаҳкамлашдек эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Осойишталик, фаровонлик, аҳиллик юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Тинчлигимиз барқарор, иқболимиз порлоқ бўлсин!

"EL EZOZ MEBEL" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда барча ҳамшаҳарларимизни қутлайди. Ҳаммангизга байрам кайфиятини тилаймиз.

Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғуси тарк этмасин.

Халқимизга бунёдкорлик, саховатпешалик, байрамона кайфият ва меҳру оқибат мангу ҳамроҳ бўлсин!





"ҒУНЧАМЕД" ХУСУСИЙ КЛИНИК ТИББИЁТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

сиз азизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами билан самимий қутлайди. Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнасин, юртимиз обод ва кўркам, ҳаётимиз фаровон бўлсин.

Истиқлол нашидасидан қалбларимиз нурга тўлсин!

Реклама ўрнида









Реклама ўрнида

"CHROMOS PRODUCTION"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

қадрли ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами билан самимий қутлайди.
Шундай улуғ кунларда қалбимиздаги энг эзгу тилакларимизни сизга йўллаймиз.
Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнасин, маҳаллаларимиз, кўчаларимиз обод бўлсин.
Юртимизнинг ҳар бир хонадонида тўйлар тўйларга улансин, дастурхонларимиздан қут-барака аримасин.

Appetito



Маҳсулот сертификатланган





"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

I. Тошкент шаҳар Бектемир тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган: "ИИБ Ахборот Маркази" жарима майдончасида сақланаётган:

1. 12.02.2013 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1991 и/ч., дав/рақ: 01 823 NBA бўлган, "ГБА СПГ КАВЗ-3271" русумли, бошланғич баҳоси – 2 316 932 сўм. **2.** 12.02.2013 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1987 и/ч., дав/рақ: 01 935 TBA бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ-5203" русумли, бошланғич баҳоси – 1 234 396,40 сўм. **3.** 12.05.2015 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1989 и/ч., дав/рақ: 01 J 083MA бўлган, "МОСКВИЧ-2141" русумли, бошланғич баҳоси– 5 189 400 сўм. **4.** 25.04.2016 йилдаги ижро варақасига асосан,хатланган, 2013 и/ч., дав/рақ: 01 T 027 QA бўлган, "МАТИЗ БЕСТ" русумли, бошланғич баҳоси – 30 200 000 сўм. **5.** 25.04.2016 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 и/ч., дав/рақ: 10 M 311 KA бўлган, "НЕКСИЯ-2" русумли, бошланғич баҳоси – 28 762 033,60 сўм. **6.** 01.06.2016 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2014 и/ч., дав/рақ: 01 M 347 SA бўлган, "НЕКСИЯ-2" русумли, бошланғич баҳоси – 43 500 000 сўм.

7. 27.03.2015 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1988 и/ч., дав/рақ: 10 D 781 GA бўлган, "МОСКВИЧ-412" русумли, бошланғич баҳоси – 2 823 116,40 сўм. **8.** 08.04.2013 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1977 и/ч., дав/рақ: 10 R 769 CA бўлган, "ВАЗ-2103" русумли, бошланғич баҳоси – 2 390 716,40 сўм. **9.** 25.08.2014 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2008 и/ч., дав/рақ: 01 M 791 PA бўлган, "ВАЗ-2107" русумли, бошланғич баҳоси – 13 348 413,20 сўм. **10.** 14.03.2014 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1980 и/ч., дав/рақ: 10 S 513 EA бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ-24" русумли, бошланғич баҳоси – 2 211 915,30 сўм. **11.** 05.06.2015 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2012 и/ч., дав/рақ: 60 D 619 EA бўлган, "МАТИЗ" русумли, бошланғич баҳоси – 24 563 160 сўм. **12.** 20.08.2013 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 и/ч., дав/рақ: 01 E 506 UA бўлган, "НЕКСИЯ" русумли, бошланғич баҳоси – 27 676 800 сўм. **13.** 25.01.2016 йилдаги 10-1501/26191-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 и/ч., дав/рақ: 01 704 QCA бўлган, "ЛАСЕТТИ" русумли, бошланғич баҳоси – 45 235 559 сўм. **14.** 09.12.2015 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2011 и/ч., дав/рақ: 01 J 686 QA бўлган, "КАПТИВА" русумли, бошланғич баҳоси – 86 000 000 сўм.

15. 09.12.2015 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2013 и/ч., дав/рақ: 01 G 371 SA бўлган, "ЛАСЕТТИ" русумли, бошланғич баҳоси – 56 000 000 сўм. **16.** 09.12.2015 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 и/ч., дав/рақ: 01 V 393 CA бўлган, "НЕКСИЯ" русумли, бошланғич баҳоси – 32 000 000 сўм. **17.** 09.12.2015 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1992 и/ч., дав/рақ: 01 U 424 QA бўлган, "ФОРД-ТРАНЗИТ" русумли, бошланғич баҳоси – 27 949 056 сўм. **18.** 19.01.2016 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2011 и/ч., дав/рақ: 01 T 870 JA бўлган, "ЛАСЕТТИ" русумли, бошланғич баҳоси – 40 529 615 сўм. **19.** 09.07.2015 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1998 и/ч., дав/рақ: 10 199 TTA бўлган, "ДАМАС" русумли, бошланғич баҳоси – 11 317 342,10 сўм. **20.** 14.03.2014 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1990 и/ч., дав/рақ: 10 R 095 EA бўлган, "ГАЗ-24" русумли, бошланғич баҳоси – 2 450 747 сўм.

II. Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган: "Чилонзор ИИБ ЙҲХБ" жарима майдончасида сақланаётган:

1. 28.03.2016 йилдаги 23-1504/487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 и/ч., дав/рақ: 95 515 HAA бўлган, "БМВ-525i" русумли, бошланғич баҳоси – 83 966 400 сўм.

III. Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган: "Сергели ИИБ ЙҲХБ" жарима майдончасида сақланаётган:

1. 28.03.2016 йилдаги 23-1504/487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 и/ч., дав/рақ: 95 677 EAA бўлган, "LAND CRUIZER" русумли, бошланғич баҳоси – 235 764 480 сўм. **2.** 28.03.2016 йилдаги 23-1504/487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 и/ч., дав/рақ: 95 070 HAA бўлган, "ЛАСЕТТИ" русумли, бошланғич баҳоси – 45 493 151 сўм бўлган автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 октябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 6 октябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 4 октябр соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Марказий Амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000900603278001, МФО: 01088, ИНН: 303877274. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: 239-29-40.

Гувоҳнома № 009293.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар Яшнобод филиалига тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган умумий майдони 74,0 кв.м. бўлган "5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми" такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 230 831 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2016 йил 19 сентябрь куни соат 11-00 да Республика Биржа маркази биносида бўлиб ўтади. Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдо 2016 йилнинг 4, 19 октябрь кунлари соат 11-00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур эълон бўйича ҳужжатлар 2016 йил 10 июнь кунидан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16-00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Лицензия № RR – №0008.

ЎЗИМИЗНИКИДАН ҚЎЙМАСИН...

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф 1988 йилда дори топилмагани оқибатида оламдан ўтган Илёс исмли уч ёшли жияни ҳақида шундай сатрларни ёзган эди:

Устингдан оғулар
сепишди қанча,
Мурғак юрагингга
нишларин санча,
Эндигина тили чиққан одамча –
Илёс, кўзларингдан
айланай сенинг.

Шоирни изтиробга солган бу муаммо ўша пайтда, афсуски, яккам-дуккам учрайдиган ҳодиса эмасди. Маълумотларга кўра, мустақилликкача юртимизда бор-йўғи ўн турдаги оддий дори воситалари ишлаб чиқарилган. Асосий дори-дармонлар четдан олиб келинган, улар ҳам етарлича бўлмагани сабабли кўплаб тиббий-ижтимоий муаммолар юзага келган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидан халқимизнинг саломатлигини асраш, саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани самарасида мамлакатимизда янги – фармацевтика саноати пайдо бўлди.

Йигирмадан ортиқ қонун, бир юз йигирмадан зиёд меъёрий ҳужжатлар бу йўналишдаги ишларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. 2016 йил 4 январда кучга кирган “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонун асосида соҳадаги ишлар янада кенгаймоқда.

Бугун мамлакатимизда бир юз йигирмадан зиёд фармацевтика корхоналари фаолият юритмоқда. Уларда тўқсонта фармакотерапевтик гуруҳларга мансуб тиббиётнинг турли йўналишларида қўлланиладиган икки мингга яқин номда инъекция (ампула, кукунли, инфузия), таблетка, капсула, суртма, гел, дамлама, суюқлик шаклидаги замонавий ва шифобахш дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда, 177 номда тиббий буюмлар тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари ассортименти жиҳатидан ҳам, сифат бўйича ҳам чет элникидан асло қолишмайди.

“Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни ушбу йўналишда фаолият юритаётган йирик давлат тузилмасидир. Ҳозирги кунда концерн тизимида эллик тўртта ишлаб чиқариш корхонаси ва учта илмий-тадқиқот муассасаси фаолият юритмоқда. Ушбу корхоналарда жорий йилнинг биринчи ярмида беш юз йигирма саккиз миллиард сўмликдан кўпроқ дори воситалари, тиббиёт буюмлари, ёрдамчи материаллар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

– Концерн тизимидаги корхоналарда юздан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётир. Натижада янги-янги дориларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнини замонавийлаштириш, янги иш ўринлари яратишга эришилмоқда, – дейди “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни аппарати раҳбари Нозир Иброҳимов. – Хусусан, инвестиция лойиҳалари доирасида бажарилаётган чора-тадбирлар натижасида 2016 йилнинг биринчи чорагида йигирма олти номда янги дори ўзлаштирилди.

Фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор фармацевтика саноати тараққиётида муҳим омил бўлаётир. Кейинги йилларда илмий-тадқиқот муассасалари олимлари томонидан яратилган қирқдан зиёд замонавий шифо воситалари нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон тиббиётининг долзарб муаммоларини ечишда ўз самараларини бераётир. Юрак аритмиясини даволашда қўлланиладиган аллапинин, гепатитга қарши мегосин, қон тўхтатувчи лагоден, шамоллашга қарши целагрипп ва бензкетозон сингари препаратлар шулар жумласидандир.

Илм-фаннинг бу йўналишдаги ихтиро ва ютуқларини янада такомиллаштириш ва фармацевтика саноатини ривожлантиришда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори муҳим омил бўлаётир. Ушбу йўналишда анъанавий тарзда ўтказилаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида фармацевтика саноати корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда. 2016 йилда бўлиб ўтган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида ҳам бир неча шартнома имзоланди.

Фармацевтика саноати корхоналарида сифатни бошқариш бўйича менежмент тизимини жорий этиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Натижада ўттиз еттита корхонада ISO 9001 стандарти, саккизта корхонада GMP тизими жорий этилди. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифат ва самарадорликни юксалтириш, халқимизни сифатли дори-дармон билан таъминлаш, экспорт ҳажми ва жўғрофиясини кенгайтириш имконини бераётир. Ана шундай замонавий андозалар бўйича фаолият юритаётган корхоналар сони йилдан-йилга ортмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган “Dentafil” корхонаси бунга мисолдир. 2007 йилда дори қопқоғи ва тиш пастаси ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлаган корхонада бугунги кунда бир юз эллик турга яқин дори-дармон ва тиббиёт буюми тайёрланмоқда. Яқинда корхонада Швейцарияда ишлаб чиқарилган замонавий технология асосида ишлайдиган тизим ишга туширилди. Бунинг натижасида кўзга томчилайдиган дори ва бошқа шифо воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бугунги кунда юзга яқин мутахассис ва ишчи ходим фаолият юритаётган замонавий корхона йилига эллик миллион дона дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариб аҳолига етказиб бермоқда. Янги технологияларни институт ва коллежларни битирган ёшлар бошқараётгани қувонарлидир.

– 2014 йилда Тошкент фармацевтика институтини битириб, шу корхонага технолог бўлиб ишга кирдим, – дейди Анвар Акмалов.– Институтда ушбу янги технологияларни бошқариш бўйича олган билимим, чет тилларни ўрганганим ва ишлаб чиқариш амалиётида орттирган тажрибам бугунги фаолиятимда қўл келмоқда. Ушбу илғор технологияларни бемалол ишлатяпман. Мақсадим тажриба, маҳорат ва билимимни янада ошириш, шиддат билан ривожланаётган замонавий фармацевтика саноатида ўз ўрнимга эга бўлган етук кадр бўлиб етишишдир.

Маълумки, бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг табиий гиёҳлар асосида тайёрланган дори-дармон ва биологик фаол қўшимчаларга эҳтиёжи ортмоқда. Бундай табиий шифобахш воситалар инсон вужудига ножўя таъсир қилмайди ва саломатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аҳолининг ана шундай эҳтиёжидан келиб чиқиб, юртимизда ҳам доривор гиёҳлар ишлаб чиқариш соҳаси йилдан-йилга ривожланмоқда. 2015 йилда мамлакатимизда маҳаллий доривор ўсимликларни қайта ишлаш, қадоқлаш ва улар асосида дори ишлаб чиқаришга ихтисослашган 89 корхона ва цех ташкил этилиб, бу вазифаларни амалга ошириш учун қарийб 50 миллион доллар маблағ ўзлаштирилди. Натижада 159 турда дори воситалари, 56 турда биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган ана шундай сифатли ва самарали доривор гиёҳлар, дори-дармонларни жойларга етказиб бериш ҳам муҳим вазифа. Бу ишларни амалга ошириш “Дори-дармон” акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий йўналишидир. Компания таркибида йигирмата акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлар, бир минг уч юздан кўпроқ дорихоналар ана шу мақсадда аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда дори-дармон етказиб бериш ва сақлаш шароитини янада яхшилаш мақсадида жойларда замонавий дорихоналар, омборхоналар, логистика марказлари барпо этилмоқда. Тошкент шаҳрида майдони 6,5 минг квадрат метрлик, халқаро стандартларга тўла мос келадиган фармацевтика омбори, Гулистон шаҳрида логистика маркази қуриб битказилди.

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисига замонавий андозалар даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш баробарида халқимизнинг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, бу жараёндаги ишларни халқаро андозалар даражасида ташкил этиш ҳам муҳим вазифадир. “Дори-дармон” акциядорлик компанияси тизимида фаолият юритаётган дорихоналарнинг етмиш фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда очилгани, хусусан, 800 дан кўпроқ дорихоналар қишлоқ врачлик пунктларида жойлашгани халқимиз учун катта қулайлик яратмоқда. Аҳолини сифатли фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида қишлоқ жойларда кўчма дорихоналар фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда 14 махсус жиҳозланган “Isuzu” русумли изотермик автофургонлар, 50 “Damas” русумли автомобиллар чекка ҳудудлардаги аҳолига дори-дармон етказиб бермоқда.

Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш борасида шакллантирилган ушбу замонавий тизимдан фойдаланган ҳар қандай инсон унинг хизматидан мамнун бўлади. Бугунги кунда дори-дармон танқислиги, сифатсизлиги каби тушунчалар бутунлай унут бўлди. Ҳатто олис қишлоқ аҳолиси ҳам ўзи излаган дори ва тиббий буюмни ортиқча оворагарчиликсиз, танлаб, саралаб харид қилиш имкониятига эга.

Янги дори турларини яратиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар фармацевтика саноатини янада ривожлантириш ва халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Миллий матбуот марказида “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси томонидан мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида саноат тармоқларини диверсификациялашга қаратилган изчил ислоҳотлар самарасида электротехника соҳаси изчил ривожланаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “2014-2018 йилларда республикада электротехника саноатини янада ривожлантириш ва бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори тармоқ ривожланишида янги босқични бошлаб берди.

2005 йилда тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 80 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1 триллион 300 миллиард сўмга етган. Сўнгги йилларда энергетика, нефть-газ ва тоғ-кон саноатларига, ижтимоий соҳа объектларига 1 триллион 5 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот етказиб берилган.

Компания тизимида кабель, электротехника, маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатувчи қирқдан ортиқ корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг ўттизга яқини экспорт фаолиятига жалб этилган. Кейинги йилларда янги маиший электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 20 га яқин корхона ташкил этилди.

2016 йилнинг биринчи ярмида компания тизимида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 630,7 миллиард сўмни ташкил этди. Корхоналар томонидан 218,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди. Электр чангютгич ва кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди. Жами ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 22 фоизи экспортга йўналтирилди.

2016-2019 йилларда “Ўзэлтехсаноат” компанияси томонидан ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва қишлоққа саноатни олиб киришни жадаллаштиришга қаратилган 95 лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Натижада беш мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

2030 йилгача соҳада 1 миллиард долларга яқин сармоя ўзлаштирилиб, 22 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Анжуманда электротехника саноатига доир қонунчилик базаси ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош, замонавий электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тармоққа замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек, 2016 йил кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ДУК “Сувсоз” трести истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

6 сентябрь соат 9.00 дан 7 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди – Олмазор тумани бўйича: Абу Бакр, “Қорасарой”, “Қўштут”, “Пахта”, Кўҳакий, “Эскишаҳар”, “Гузарбоши”, “Гуручариқ”, “Ачаобод” маҳаллаларида, Сағбон кўчасининг тор ва берк кўчаларида.

2. Босим пасаяди – Шайхонтоҳур, Учтепа туманларида.

7 сентябрь соат 21.00 дан 8 сентябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди – Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Чуст, Буюк Ипак йўли, Лашкарлар, Алпомиш, Зайтун, Миришкор, Шўртепа, Сайкали, Мирзо Улуғбек кўчаларида, Чуст, Қорасув-1,2,3,4,6 даҳаларида, Дўрмон йўли кўчасида, Мирзо Улуғбек кўчасидан ТХАЙгача, Олтинтепа кўчаси ва унга туташган кўчаларида.

Яшнобод тумани бўйича: Риёзий кўчасида

2. Босим пасаяди – Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Мирзакалон Исмоилий, Тамарахоним, Ирригатор, Дархон, Ҳамид Олимжон, Марказ-1, Марказ-2 кўчаларида.

14 сентябрь соат 9.00 дан 15 сентябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди – Шайхонтоҳур тумани бўйича: “Кохота”, “Лабзак” маҳаллаларида, Марказ-12, 13, 14, 15-даҳаларида, Лабзак кўчасида, Туркқўрғон кўчасидан Навоий кўчасигача, Зулфияхоним кўчаси, Ўзбекистон кўчаси Анҳор ариғидан Бунёдкор кўчасигача.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

ИЧИМЛИК СУВ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ҲАҚИДА

Юнусобод тумани бўйича: Ифтихор кўчаси тор кўчалари билан, Юнусобод 2,3 мавзеларида, 13-мавзеда қисман, Чинобод кўчасидаги 9 қаватли уйларда.

2. Босим пасаяди – **Чилонзор тумани бўйича:** Бешёғоч кўчасида Ойбек кўчасидан Бешёғоч майдонигача.

15 сентябрь соат 9.00 дан 16 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди – Учтепа тумани бўйича: 23-мавзедаги 39, 41, 42-кўп қаватли уйларда, 12-мавзе 7а-уйда, 26-мавзе 2-уйда.

Чилонзор тумани: Шарқ, Гулистон, Ал Хоразмий даҳаларида, “Бектўпи” маҳалласида, Сўгаллиота кўчаси 80-уйдан 87-уйгача.

2. Босим пасаяди – Чилонзор тумани бўйича: 19, 20-мавзеларида.

19 сентябрь соат 9.00 дан 21 сентябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди – Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Яланғоч даҳасида 15-уйдан 21-уйгача, 7а, 28, 29, 30-уйларда, 6-уйдан 9-уйгача, 75-уйдан 83-уйгача, 60-уйдан 69-уйгача, 58, 59-уйларда, 84-уйдан 100-уйгача, 100а, 119, 120, 121-уйларда. Мирзо Улуғбек кўчасида 81-уйдан 89-уйгача,91, 93, 95, 97, 99, 101, 103, 105, 107, 109, 111-уйларда. Феруза кўчасидаги 1, 2, 5, 7, 7а, 7б, 1а, 9а, 11, 13, 15, 17, 19, 21, 26, 28, 35, 37-уйларда. Феруза даҳаси 1-уйдан 5-уйгача, 17, 18, 19, 20, 21-уйларда, 23-уйдан 27-уйгача, 51-уйдан 73-уйгача.

21 сентябрь соат 9.00 дан 23 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди – Юнусобод тумани бўйича: “Оқтепа”, “Тутзор”, “Бободеҳқон” маҳаллаларида, Юнусобод-17, 18, 19-мавзеларида.

2. Босим пасаяди – Юнусобод тумани бўйича: Юнусобод -11, 12, 14, 15-мавзеларида.

27 сентябрь соат 9.00 дан 28 сентябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди – Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Мирзакалон Исмоилий, Тамарахоним, Ирригатор, Лев Толстой кўчаларида, Қори Ниёзий, М.Ганди, Дархон, Мустақиллик, Мирзакалон Исмоилий кўчаларида, Асака кўчасида тор кўчалари билан.

Яшнобод тумани бўйича: “Тўйтепа” маҳалласида, Содиқ Азимов кўчасида тор кўчалари билан, Тўйтепа, Я.Ғуломов, Фарғона йўли, Боку, Султон Санжар, Муғроб, Мавр, Ўш кўчаларида.

29 сентябрь соат 9.00 дан 30 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди – Олмазор тумани бўйича: Сағбон кўчасида тор кўчалари билан, Олча кўчаси, “Эскишаҳар”, “Гуручариқ”, Абу Бакр, Кўҳакий, “Ачаобод” маҳаллаларида.

2. Босим пасаяди – **Олмазор тумани бўйича:** “Чимбой” маҳалласида.

4 октябрь соат 9.00 дан 5 октябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди – Яшнобод тумани бўйича: Қорасув, Алимкент 1-тор, Авиасозлар 1-тор, Тўрткўл кўчасида тор кўчалари билан, Занғори, Алимкент, Ховос, Хатирчи, Ғиждувон, Бойсун, Қўнғирот, Мухтор Ашрафий кўчасида тор кўчалари билан, Маҳзуна, Заркент кўчалари, 3, 4- Авиасозлар мавзеларида.

– Миробод тумани бўйича: Фитрат кўчасида, “Олтинкўл”, “Қорасув”, “Сарикўл”, Фитрат, “Навбаҳор”, “Янгизамон”, “Истиқлол”, Фурқат, “Наврўз”, “Биродарлик”, “Темирйўлчилар” маҳаллаларида.

Сергели тумани бўйича: Чоштепа кўчасида.

2. Босим пасаяди – Яшнобод тумани бўйича: 1, 2- Авиасозлар мавзеларида, 1, 2, 3-Янгиобод мавзеларида, Асалобод, Жарқўрғон, Зоҳидон, Мўйноқ кўчаларида.

6 октябрь соат 9.00 дан 7 октябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди – Шайхонтоҳур тумани бўйича: Навоий кўчасидаги 42 ва 44-уйларда, Зарқайнар кўчасида, Қоратош, Чорсу даҳаларида, “Чақар” маҳалласида, Яланқар, Хўжа Аҳрор кўчаларида.

2. Босим пасаяди – Шайхонтоҳур тумани бўйича: Олмазор даҳасида.

11 октябрь соат 9.00 дан 12 октябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди – Миробод тумани бўйича: Фурқат, Фитрат, “Истиқлол”, “Янгизамон”, “Олтинкўл” маҳаллаларида, Толлимаржон кўчасида.

12 октябрь соат 9.00 дан 13 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди – Учтепа тумани бўйича: Г-9, 10-мавзеларида, Г-9а мавзе 8-уйдан 23-кўп қаватли уйларгача, Фарҳод кўчаси 1-блокдан 16-блокгача.

13 октябрь соат 9.00 дан 15 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди – Чилонзор тумани бўйича: 1, 2- мавзеларида, Нурхон кўчаси тор кўчалари билан, Рудакий кўчаси, Ғани Аъзамов, “Қозиробод” маҳаллаларида.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.

Маълумот учун телефонлар: 256-10-95, 252-55-78, 252-60-08.





Пойтахтимиздаги "Ўрикзор савдо комплекси" масъулияти чекланган жамиятида "Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

Тадбир Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ва қўлга киритилган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти бутун дунё томонидан тан олинаётганлиги, Ватанимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, дунё ҳамжамиятида ўзига хос муносиб ўрин эгаллаганлигини меҳнат аҳлига етказиш мақсадида ўтказилди.

Унда сўз олган Ўзбекистон Миллий университети доценти, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Тўлқин Эшбек, Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари Республика Кенгаши Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси Дилфуза Исмаилова, "Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖнинг раҳбар ўринбосари Асрор Мираминов ва бошқалар истиқлол йилларида республикамиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тинч-осуда ҳаётимизни таъминлаб, турмушимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида пойтахт касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилишга салмоқли ҳисса қўшганлиги, кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун фидойи ходимлар тақдирланди. Улар орасида "Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖнинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси Людмила Тен ҳам бор.

— Энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий тасдиғи бўлмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Людмила Тен. — Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодларимиз қалбида Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. "Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖ ўзининг салоҳияти билан нафақат Республикамизда, балки Марказий Осиёда ўз ўрнига эга бўлишга эришган. Барча турдаги савдо йўналишлари бўйича, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак, қурилиш ва турли саноат моллари, электр ҳамда хўжалик моллари ягона бир жойда мужассам бўлиб, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган тадбиркорлар, харидорлар эҳтиёжи қондирилмоқда. "Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖда 5500 дан ортиқ тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Жамиятда 327 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Ўрта Осиёдаги ягона кўптармоқли савдо комплекси сифатида танилган бўлиб йиллар давомида жаҳоннинг нуфузли сифат белгилари билан тақдирланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг тобора ривожланиши, аҳоли ҳаётининг ободлиги ва фаровонлиги Мустақиллигимиз шарофати билан юз бермоқда.

Давра суҳбати давомида сўнгги йилларда эришилган ютуқларимизга алоҳида тўхталиб ўтилди. Фидойи ходимлар Бразилияда бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимизнинг ютуқлари, Андижон ва Бухорога тезюрар поездларимизнинг етиб борганлиги ва юртимиз эришган бошқа ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

(Ўз мухбиримиз)

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Миллий ғоя – бизнинг ғоя" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Маврулов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид ва бошқалар мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавий олами янада юксалиб бораётганлигини таъкидлади.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ўтган ўн йил давомида ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Миллий ғоямизнинг асоси бўлмиш юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик каби асосий тушунча ва тамойиллар ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

– Анжуманнинг асосий мақсади глобаллашув жараёнида ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашда миллий ғоя ва маънавий-маърифий йўналишда амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилишдан иборатдир, – дейди Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Абдухалил Маврулов. – Жумладан, бу борадаги замонавий усуллар, воситаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича иштирокчилардан илмий-амалий таклиф, тавсия ва хулосалар олишдан иборатдир. Натижада улар умумлаштирилиб, амалиётга жорий этиш чоралари ишлаб чиқилади.

Марказ томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида она Ватан, мустақиллик, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон каби улуғвор тушунчалар, миллий, умумбашарий қадриятлар ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усуллар орқали сингдирилмоқда.

Ёшлар билан иш олиб борадиган масъул ходимлар, миллий ғоя ва маънавият тарғиботчилари, ота-оналар учун мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар кўламига қаратилган "Маслаҳатчи минбари", "Маънавият тарғиботчисининг ёрдамчи китоби", "Соғлом бола – буюк келажак пойдевори" номли рисолалар, "Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-технологик хуружларидан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари", "Миллий ғоя тарихи ва назарияси" услубий қўлланмаси тайёрланди.

Мустақилликнинг 25 йиллигига 25 номда тайёрланган, "Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари", "Ким эдигу ким бўлдик?!", "Аёл бахти – жамият бахти", "Ўзбекистонда виждон эркинлиги тантанаси", "Ўзбекистон ва жаҳон", "Ўзбекистон – умумий уйимиз" каби туркум буклетлар шулар жумласидандир. Тарғиботчиларга "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" услубий қўлланмаси тарқатилди.

Анжуманда "Миллий ғоя ва мафкура тарғиботининг назарий ва амалий масалалари", "Диний қадриятлар тизимида мафкура масаласи", "Оммавий ахборот воситаларида миллий ғоя тарғиботи", "Ҳозирги замон адабиёти ва миллий ғоя тарғиботи", "Ўзбек миллий менталитетининг шаклланишида миллий ғоя ва мафкура масаласи", "Маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш давр талаби" сингари мавзуларда маърузалар эшитилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Айни шу кунларда мамлакатимизнинг 25 йиллик тантанаси муносабати билан юртимизнинг барча жабҳаларида ушбу санани кенг миқёсда нишонлаш мақсадида тадбирлар ташкил этилмоқда.

Диёримизнинг энг чекка ҳудудлари, ташкилот ва муассасалар, маҳаллаларда байрам шукуҳи яққол сезилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти Кенгаши томонидан ҳам ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида давра суҳбати ташкил этилди.

Мана неча йилдирки "Ватанпарвар" ташкилоти мамлакатимиз равнақи, унинг тинчлиги, осойишталиги учун ҳимояга шай турган Ватан посбонларини тайёрлаб келмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун тўғри йўлни танлаб олди, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий этган, ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаши, халқимиз ва келгуси авлодларимиз учун зарур шароитларни яратиш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш учун асрларга тенг улкан ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти раҳбари Аҳрор Мақсудов, шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Аброр Бердиев ва бошқалар мустақилликка эришганимиздан сўнг эришилган ютуқлар, истиқлол туҳфа этган имконият ва шароитлар ҳақида гапириб, унинг қадр-қиммати нечоғли улуғ эканини эътироф этишди.

Зарина РУСТАМОВА

Спорт янгиликлари

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Самвел Бабаян 2018 йили Россияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралашининг учинчи босқичи доирасидаги дастлабки икки учрашув учун таркибни маълум қилди.

Бош жамоамиз 1 сентябрь куни Тошкентда саралашнинг учинчи босқичи дастлабки ўйинлари доирасида Сурия терма жамоасини қабул қилади. 6 сентябрь куни эса сафарда Қатарга қарши ўйин ўтказади.

Самвел Бабаян бошчилигидаги мураббийлар штаби Сурия ва Қатарга қарши ўйинлар учун қуйидаги футболчиларни таркибга жалб этган: дарвозабонлар — Александр Лобанов, Игнатий Нестеров, Элдор Суюнов, ҳимоячилар — Ислом Тўхтахўжаев, Егор Кримец, Анзур Исмоилов, Азим Аҳмедов, Даврон Ҳошимов, Виталий Денисов, Станислав Андреев, ярим ҳимоячилар — Одил Аҳмедов, Азиз Ҳайдаров, Сардор Рашидов, Жасур Ҳасанов, Жавоҳир Соҳибов, Отабек Шукуров, Достон Ҳамдамов, Саламат Қутибоев, Жамшид Искандаров, Сервер Жепаров, ҳужумчилар — Игорь Сергеев, Элдор Шомуродов, Марат Бикмаев, Александр Гейнрих.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСГА ЎТМАДИ

Бокс бўйича 49 килограммгача бўлган вазн тоифасида рингга кўтарилиб, Рио-де-Жанейро олимпиадаси чемпионлигини қўлга киритган ўзбекистонлик Ҳасанбой Дўсматов профессионал боксга ўтиш ҳақидаги маълумотларни тасдиқламади.

Ўтган ҳафта "Golden Gloves" промоутерлик компанияси вакили Родни Берман 23 ёшли ўзбек боксчиси билан шартнома имзолагани ҳақида маълум қилган эди.

— Мен бу одам билан таниш эмасман ва ҳеч қандай келишув ҳам бўлгани йўқ. Ҳозир мен "Uzbek Tigers" жамоасида фаолиятимни давом эттиришни мақсад қилганман. Шунингдек, 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган олимпиадада чемпионликни ҳимоя қилмоқчиман. Ҳозирча ҳеч бир промоутер компанияси билан шартнома тузмаганман, — дейди Ҳасанбой Дўсматов.

Эслатиб ўтамиз, Бразилия олимпиадасида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси техникаси энг юқори бўлган боксчига бериладиган Вэл Баркер кубоги соҳибига айланди.

Ботир ХЎЖАЕВ



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзолари Хитой ва Қозоғистондаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Хитойда ўтказилаётган турнирда мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Нигина Абдураимова яккалик баҳсларининг илк учрашувида мезбон теннисчи Зиюе Сунга қарши кортга чиқиб, 2:6, 7:5, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Истеъдодли спортчимиз Сабина Шарипова хитойлик Хао Чен Тангни 6:1, 4:6, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Навбатдаги босқичда Нигина яна бир хитойлик теннисчи – Юкун Жанг, Сабина Хитой Тайпейи вакили Чиеҳ-Ю Хсуга қарши кортга чиқади.

Қозоғистонда ўтаётган мусобақанинг яккалик баҳсларида ёш теннисчиларимиз Арина Фольц ва Полина Меренкова илк даврада ғалаба қозонди. Иккинчи даврада А.Фольц ва П.Меренкова россиялик Анна Калинская ва Вероника Кудерметова билан куч синашади.

Халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида Арина Фольц қозоғистонлик Александра Гринчишина билан бирга россиялик Диана Шевченко ҳамда мезбон теннисчи Карина Калкеновани мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўл олди. Ушбу босқичда Арина ва Александра россиялик теннисчилар Полина Монова ҳамда Валерия Савинийхга қарши майдонга тушади.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ

Мамлакатимизнинг иқтидорли спортчиси Илҳом Баҳромов Францияда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтаётган жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритди.

Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби Илҳом Баҳромов юнон-рум кураши бўйича вазни 50 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги беллашувларда эронлик Сайфуллоҳ Муҳсин Нажодни, АҚШ вакили Рандон Дрю Мирандани ва грузиялик Нугзари Цурцумиани енгиб, иккинчи ўринни эгаллади.

4 сентябрга қадар ўтказиладиган мусобақада спортчиларимиз эркин ва хотин-қизлар кураши бўйича беллашувларда ҳам қатнашади.

(ЎзА)

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 01.50
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ